

ДЕМОКРАТИЯ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

<https://doi.org/10.34920/fvh/2023-1/052>Абдурахмонова Н. -
ТТА ўқитувчиси

Дунёдаги демократик давлатларда кишиларнинг сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий онгини, билим ва кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор берилади, Чунки уларсиз демократик ривожланишни таъминлаш қийин. Ҳуқуқий маданият демократик тараққиёт, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кафолати, шахс фуқаролик позициянинг ифодасидир.

Ҳуқуқнинг интегративлиги долзарблашган ва объективлашган жойдагина демократик кадриятлар қарор топиши мумкин. Ўзбекистон бугун демократик янгилашниларнинг янги босқичига қадам қўйган, у мустақиллик йилларида тўпланган ижобий тажрибаларга таяниб, мамлакатни инновацион ривожлаништиришни стратегик мақсади қилиб қўйган. Кейинги олти йил ичида янги ҳуқуқий маданиятни алоҳида воқелик, феномен сифатида шакллантиришга қаратилган кенг ислохотлар амалга оширилди, Янги Конституция ишлаб чиқилди. Бу ўринда Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг Конституциявий ислохотларга оид билдирган тўртта йўналишларни, яъни 1) инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр, қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари; 2) Ўзбекистон ижтимоий давлат; 3) эркин ва адолатли фуқаролик жамияти; 4) Ўзбекистон инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат, деган тамойилларни келтириш мумкин. Бундан ташқари, Президентимизнинг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чоратadbирлари тўғрисида” (2016, 29 декабрь), “Ўзбекистон Республикасида 2020- 2030 йилларда Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси” каби 600 дан зиёд Қарор ва Фармонлари қабул қилинди. Уларда давлат институтларини инсон манфаатларига, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилдириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий заминини янада кучайтириш назарда тутилади.

Демократик ҳуқуқий давлат, инсонпарвар, идеал жамият барпо этиш инсониятнинг қадимдан орзуси бўлиб келади. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳуқуқий -маданий воқелик ана шу идеал ва орзулар орқали тадқиқ этиб келинган.

Ҳуқуқий маданият ҳуқуқ билан маданият ўртасидаги алоқаларда эмас, балки ўзининг ва бошқаларнинг эркини англаб, улар билан ижтимоий муносабатларга киришган заҳоти намоён бўлади. Демак, эрк ва ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий маданият намоён бўлишининг негизларидир. Савол уйғониши мумкин, нима учун ҳуқуқ ва маданият феноменлари эмас, балки эрк ва ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий маданиятнинг негизларига айланди? Ҳақиқатан ҳам, ҳуқуқий маданият негизларини ҳуқуқ ва маданият феноменларидан излаш тўғри эмасми? Нима учун тиббиётшунослар тиббий маданиятни тиббиёт ва маданият уйғунлигидан, сиёсийшунослар сиёсий маданият негизини сиёсат ва маданият уйғунлигидан излашади, ҳуқуқшунослар ҳуқуқий маданият негизини эрк ва ижтимоий муносабатлардан излашади? Ижтимоий тараққиёт тарихи кўрсатадики, ҳуқуқ ва эрк узвий боғланган воқеликлардир. Эрк учун кураш ҳуқуқ учун, ҳуқуқ учун кураш эрк учун кураш бўлиб келган. Уларни бир-бирига айнан, синоним деб қараш ҳам учрайди. Бироқ эрк ҳуқуқдан кенгрок, у мудом ҳуқуқни ўз ичига олади. Масалан, ҳуқуқ амал қилмайдиган жой (ер-хотин алоқалари, шахсий ҳаётни йўлга қўйиш кабилар)да эрк қатнашади, инсон ихтиёрий хатти-ҳаракатларининг экзистенциал ифодаси сифатида келади. Шунинг учун эрк ихтиёрий хатти-ҳаракат, ихтиёрий ирода, ҳуқуқ эса расмий, яъни давлат томонидан ўрнатилган умуммажбурий нормалар ҳисобланади. Биринчисини бажариш ёки бажармаслик мудом инсон ихтиёрида, иккинчисини бажариш ёки бажармаслик инсон ихтиёрида эмас, ушбу умуммажбурий нормаларга амал қилиши шарт. Лекин бундай ёндашув ҳуқуқни мутлақлаштиришга олиб келмаслиги зарур, чунки инсон ихтиёрийлик тамойилларига асосланадиган эрк билан мажбурийлик тамойилига таянадиган ҳуқуқ ўртасида яшайдиган ижтимоий мавжудот. Унинг ушбу хислати ижтимоий муносабатларида, ижтимоий ҳаёт қўйнида яшашида мужассамдир. Ҳуқуқий маданият ва демократия уйғунлиги мавзусини тадқиқ этганда, бизнинг фикримизча, ҳуқуқ феноменига урғу бериш мантиқан тўғри бўлади. Демократияга оид фалсафий ёндашувлар ва концепциялардаги ҳуқуқнинг ўрни, инсон эрки, озодлик, меҳнат ҳуқуқи, яшаш ҳуқуқи, сайлаш ва сайланиш, давлат ишларини олиб боришда иштироки ҳуқуқи, ҳурфикрлик, ижод эркинлиги кабиларга эътибор қаратилади. Айнан улар ҳуқуқ фалсафасининг предмети ҳисобланади ва бизни ижтимоий-сиёсий таълимотлар томонга оғиб кетишдан асрайди. Бизга демократик ёндашувлар ва концепциялардаги ижтимоий-сиёсий воқеликлар эмас, улардаги инсон ҳуқуқи ва эркинликларига оид қарашлар зарур. Янги ислохотлар аҳолидан

ҳуқуқий-маданий фаолликни талаб этаётган бўлса-да, жойларда соционормаларнинг устувор экани ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий кўникмаларнинг намоён бўлишига ҳалақит бераётгани кузатилади. Давлатимиз ва ҳуқуматимиз томонидан инновацион ўзгартириш, илғор технологияларни жорий этиш, янги нормалар ва халқаро стандартларни жорий этиш амалга оширилмоқда, бугун урбанизация жараёнлари кетмоқда, улар цивилизациявий ривожланишга ўтмоқда. Лекин айрим аҳоли қатламининг ҳуқуқий маданиятида трансформация жараёнлари жуда секин кечмоқда. Гоҳо бу жараёнларда теотрансформация етакчилик қилади. Жамиятимизда динга, исломий тартиблар ва шариат қонунларига бўлган қизиқишнинг ошиб бораётгани туфайли аҳоли онги ҳам ушбу ўзгаришлар таъсирида қолмоқда. Тўғри, теотрансформация ижтимоий ҳаётимизда устувор ўринни эгаллаётган йўқ, бироқ кишилар онгидан улар тобора чуқурроқ жой олаётганини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Аслида теотрансформация қишлоқ ҳаётида соционормаларнинг устуворлигига ҳамоҳангдир. Аҳоли ичида ҳуқуқий нормаларга кўпроқ эътибор берадиган, улар имкониятларидан фойдаланишга интиладиган шахслар, гуруҳлар ҳам мавжуд. Аҳолининг ҳуқуқий-маданий фаоллигини ошириш учун уларнинг поғоналари (1-поғона, 2-поғона, 3-поғона), моделлари (индифферент модел, нолюл модел, либерал модел) ва ҳуқуқий-тарбиявий, ҳуқуқий тарғибот ишларининг инновацион механизмлари аниқланди. Поғоналар, моделлар ва механизмлар диалектик уйғунликда, қишлоқ аҳолисининг этнодифференциал ва этносоциал белгиларига мувофиқ, ҳуқуқий онгга таъсир этади. Янги Ўзбекистон инновацион ривожланиш йўлидан бормоқда. Шундай экан, аввало инновацион ривожланиш узлуксиз, мудом трансформацияга учраб борадиган, флуктацион кечишга мойил жараён эканини унутмаслигимиз керак. Бу эса ҳуқуқий маданиятни юксалтиришни ҳам узлуксиз жараён сифатида англашга ундайди.

“Ҳуқуқий маданият” тушунчасининг илмий, ижтимоий-фалсафий ва дефинитив талқинлари “ҳуқуқ” ва “маданият” категориялари, воқеликлари синтезининг ифодасидир. Унда ҳуқуқ феномени устувордир. Аммо, ҳуқуқнинг моҳиятан ижтимоий маданий воқелик эканидан келиб чиқсак, ҳуқуқ пировард натижада маданий тараққиётга хизмат қилишини англаймиз. Демак, маданият ва ижтимоий маданий тараққиётга хизмат қилиш ҳуқуқий маданиятнинг пировард натижасидир. Ушбу концептуал фикр ҳуқуқ феноменини, шу жумладан, ҳуқуқий маданиятни ҳам, ижтимоий маданий тараққиёт мақсади орқали идрок этишга, ўрганиш ва баҳолашга ундайди. Ижтимоий маданий тараққиётга йўналтирилмаган ҳуқуқ аксилмаданий, аксилсонийдир.

Ҳуқуқ феноменининг ижтимоий маданий тараққиётга таъсири демократия, демократик кадрятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, бошқарув тизимларини халқчиллаштириш, ҳурфикрлик, яшаш ва меҳнат ҳуқуқи каби юридик воқеликлар билан боғлиқлиги орқали рўй беради. Ушбу воқеликларни ўрганмай, уларнинг ижтимоий муносабатларга, кишилар онги, турмуш тарзи, оилавий ҳаёти, фуқаролик позицияси, эътиқоди, бурчи ва вазифаларига таъсирини кузатмай ҳуқуқий маданиятни етарли даражада ёритиб бўлмайди. Ҳуқуқий маданият демократияни тақозо этганидек, демократия ҳам ҳуқуқий маданият орқали объективлашади, реал ижтимоий муносабатларга айланади. Ҳуқуқий маданиятциз демократия, демократиясиз ҳуқуқий маданият йўқ.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нутқи // “Янги Ўзбекистон”, 2022, 21 июнь).
2. Платон. Государство. - Москва : АСТ, 2022. 448 с.; Аристотель. Сочинения в четырех томах. Том 3. - Москва : Мысль, 1981. 612 с.;
3. Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шахри. - Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашр., 1993. 286 б.;

РЕЗЮМЕ:

Ривожланган мамлакатларда шаклланган либерал-демократик ғоялар ва меъёрий маданий воқелик жамият тараққиёти моделлари, шаблонлар эканлиги тадқиқот ишида ўрганилган.

Калит сўзлар: Демократик давлат, сиёсий, иқтисодий, маданий, мустақиллик.

РЕЗЮМЕ:

Либерально-демократические идеи и нормативно-культурная реальность, сформированные в развитых государствах, являются моделями общественного развития, шаблонами, по которым изучалась научно-исследовательская работа.

Ключевые слова. Демократическое государство, политическое, экономическое, культурное, независимость.

RESUME:

Liberal-democratic ideas and normative-cultural reality formed in developed countries are models of social development, templates, according to which research work was studied.

Key words. Democratic state, political, economic, cultural, independence.